**Ўзбекистон Республикаси**
**Қашқадарё вилояти**
**МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ ШАКЛИДАГИ**

# "AUDIT-HISOB MARKAZI"

# АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ

*Манзил: Қашқадарё вилояти, Қарши шахри,180118, 7-миттитуман, 8-27, тел. +99891-4603010*

**"KOSON PAXTA TOZALASH" АЖ нинг**
**2017 йил 31 декабрь холатидаги молиявий хисоботига**

## ИЗОҲЛАР БИЛАН ФИКР БИЛДИРИЛГАН АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

*Буюртмачи : "KOSON PAXTA TOZALASH" АЖ*
*СТИР ракамu 200 692 037. ОКОНХ коди 17111.*

Мен, МЧЖ «AUDIT-HISOB MARKAZI» аудиторлик ташкилоти (Қашқадарё вилояти, Қарши шахри, 7-миттитуман, 8/27-уйда жойлашган, СТИР ракамu 203 798 660, ОКОНХ коди 84400, Банк: ТИФ Миллий банки Қашқадарё филиали, МФО коди 00150, Х/р. 20208000104153882001) директори (аудитори) директори (аудитор) Эргашева Зебо Эшмурадовна (аудитор малака сертификати раками № 05486, МВ томонидан 09.06.2017 й. берилган) томонидан **"KOSON PAXTA TOZALASH" АЖ** нинг баланс, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботдан иборат 31.12.2017 йил ҳолатидаги молиявий ҳисоботининг ишончлилигини мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказдим.

**Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги**

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофик молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва хакконийлиги ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

**Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги**

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат. Биз **"KOSON PAXTA TOZALASH" АЖ** нинг илова қилинган молиявий хисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошка молиявий ахборотлар барча мухимлилик жихатлари бўйича бухгалтерия хисоби тўғрисидаги конун хужжатларига мувофиклиги ва ҳаққонийлигини бахолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофик ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий хисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни такозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йуналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулохазамизнинг предмети ҳисобланади. Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий хисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради, деб хисоблаймиз.

Бизнинг фикримизча, махсус кисмда кайд этилган изохлар билан фикр билдириш учун асос бўладиган вазиятлар натижасида, бизда аудиторлик ташкилоти фикрини ифодалаш учун асосларни таъминловчи етарлича аудиторлик далиллари мавжуд.

**Изоҳлар билан фикр билдириш учун асос**

Корхона томонидан келгуси давр харажатлари белгиланган тартибда тан олинмаган, муддати ўтган қарздорликлар ҳисобдан чиқарилмаган, солиқлар ва мажбурий бюджет тўловлари ҳисоблашда баъзи хатоликларга йўл қўйилган. Ушбу хатолик молиявий ҳисоботдаги бузиб кўрсатишларнинг таъсирини баҳолаш учун ўрнатилган муҳимлилик даражасига таъсир кўрсатмайди.

**Изоҳлар билан фикр билдириш**

Бизнинг фикримизча, изохлар билан фикр билдириш учун асос бўладиган баён этилган вазиятларнинг молиявий ҳисоботга таъсиридан ташқари, **"KOSON PAXTA TOZALASH" АЖ** нинг 2017 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ва молиявий ҳолатини хаққоний акс эттиради.

**Аудиторлик ташкилоти раҳбари,**
**аудитор : -** **З.Эргашева**

2018 йил, 27 апрель